

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ – ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА  
ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ - ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

*Мирзаев М. М., Абдуллаев Р. М.*

*Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида  
боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш*

**ТА В С И Я Н О М А**



*Тошкент – 2009 йил*

Ушбу тавсиянома Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг директори қишлоқ хўжалик фанлари доктори М.М.Мирзаев ва мева-узум селекцияси бўлим мудир қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Р.М.Абдуллаев томонидан тайёрланган.

## ***Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди минтақаларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш***

Республикада мева ва узум маҳсулотларини кўпайтиришда йирик имкониятлардан бири бу тоғ ва тоғ олди худудларидаги ерларга ғалла экишга зарар етказмаган холда боғ-токзорлар барпо қилишдир.

Боғ ва токзорлар учун тоғ ва тоғолди туманларидаги ерларни ўзлаштириш зарурлиги шуни кўрсатдики, республикада суғориладиган ерлар чекланган. Бу худудларда экологик тоза маҳсулот олиш ҳамда хўжалик иқтисодини тезда кўтариш, иқтисодий ночор хўжаликларни истиқболли хўжаликларга айлантириш, ишчи ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш мумкин.

Боғ ва токзорлар учун тоғ ва тоғ олди туманларини ўзлаштириш бошқа соҳаларнинг ривожига – чорвачилик, ғалла экинларига салбий таъсир кўрсатмайди, балки ҳамма соҳалар бир-бирини тўлдириб тараққий этади. Шу билан бирга боғ-токзорлар учун ўзлаштириладиган ерлар, қиялик жойлардан иборат бўлиб, ғалла ўсимликлари учун ноқулай иқтисодий жihatдан ўзини оқламайди.

Ўзбекистон тоғ ва тоғолди худудларининг табиий шароитлари боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун қулай. Тоғ ва тоғолди шароитларида етиштириладиган мева ва узум юқори сифатли, шакли чиройли, рангли ва қанд моддаси юқори бўлади.

Бу ерларда ёнғоқли мевалар етиштириш учун жуда қулай шароитлар мавжуд. Тоғ ва тоғолди туманларида илм-фан томонидан тавсия қилинган технологияни қўллаб серҳосил, навларни тўғри танлаб ҳамда қисман суғорилганда, боғдорчилик, узумчиликни иқтисодий самарадорлиги бир мунча кўтарилади.

Р.Р.Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ва унинг вилоятлардаги илмий муассасалари томонидан олиб борилган текширишлар натижасида республиканинг тоғ ва тоғ олди туманларида боғ-токзорлар учун уч тоифа ер яроқли деб аниқланди.

1 – тоифа – бу суғориладиган нотекис ерлар бўлиб, ғалла ўсимликлари етиштириш мумкин эмас. Мана шундай ерларда ишчи кучлари етарли бўлган тақдирда мева ва узумдан юқори ҳосил олиш мумкин. Боғ ва токзорлар контур усулида экилади.

2 – тоифа – бу ярим лалмикор суғорилиши чекланиб, ёғингарчилик ҳисобига боғ – токзорлар барпо қилинадиган ерлар.

3 – тоифа – бу лалмикор ерлар бўлиб, боғ ва токзорлар фақат йиллик ёғингарчилик 500 дан 700 мм. миқдорда таъминланган ерлар.

Келажакда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, мева-узум етиштиришни янада кўпайтириш, тоғ ва тоғолди туманларида мева-узум навларини мақсадга мувофиқ жойлаштириш талаб қилинади ва бу боғ-токзорлар учун ажратилган ерлардан самарали фойдаланиб, юқори ҳосил олиш имконини беради.

Республикада интенсив боғ ва тоқзорларни ривожлантириш учун энг кулай шароит тоғ ва тоғолди ҳудудлари Тошкент вилоятида Бўстонлик, Паркент ва Охангарон туманлари, Самарқанд вилоятида Ургун, Нурота, Хатирчи туманлари, Жиззах вилоятида Ғаллаорол, Фориш, Зомин туманлари, Қашқадарё вилоятида Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Шахрисабз Дехқонобод туманлари, Сурхондарё вилоятида Денау, Сариосиё туманларидир. Ҳар бир вилоят ва туманнинг табиий иқлим ва тупроқ шароити муайян ўсимликларни ўстиришни талаб қилади.

Намлиқни яхши кўрувчи грек ёнғоғи, олма, нок, олхўри, олча, тоғолча лалми ерларда шимолий қияликлариде, курғоқчиликка чидамли бодом, писта, жилон жийда, ўрик, дўлана ва узум турлари жанубий қияликларда яхши ўсади.

***Республика тоғ ва тоғолди ҳудудларида мев-узум турларини жойлаштирилиши***

| <b><i>Мева турлари</i></b> | <b><i>Денгиз сатҳидан баландлиги, м</i></b> | <b><i>Экспозиция (қияликлар)</i></b> |
|----------------------------|---|--------------------------------------|
| Олма                       | 1000 – 2000                                 | Шимолий                              |
| Нок                        | 900 – 1700                                  | Шимолий ва шарқий                    |
| Ўрик, шафтоли              | 800 – 1500                                  | Шимолий, шарқий ва ғарбий            |
| Олхўри, тоғолча            | 1000 – 1700                                 | Шимолий                              |
| Олча                       | 1000 – 2000                                 | Шимолий                              |
| Гилос                      | 800 – 1500                                  | Шимолий, шарқий ва ғарбий            |
| Грек ёнғоғи                | 1000 – 1500                                 | Шимолий                              |
| Бодом                      | 800 – 1400                                  | Шимолий                              |
| Жилон жийда                | 700 – 1200                                  | Жанубий                              |
| Писта                      | 600 – 1200                                  | Ҳамма қияликларда                    |
| Дўлана                     | 1000 – 1200                                 | Жанубий, шарқий ва ғарбий            |
| Узум                       | 700 – 1400                                  | Жанубий, шарқий ва ғарбий            |

Ушбу жойлаштириш жадвали тахминий ҳар бир ҳудудда микроиқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароитига кўра жойлаштиришни талаб этади. Бунда фақат табиий шароит эмас, иқтисодий шароитлар, яъни аҳолини маҳсулотга бўлган талаби, янги саноат марказлари, йўл билан таъминланганлик ва бошқалар эътиборга олиниши керак.

***Тоғ ва тоғолди туманларида боғ ва тоқзорлар барпо қилиш технологияси***

Боғ ва тоқзорлар учун майдон танлашда мевали ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ва уларнинг муҳим шароитларини эътиборга олиш керак.

Унумдор тупроқли шимолий қияликларга совуққа чидамли, намгарчиликни ёқтирувчи мева турларидан ёнғоқ, олма, нок экилса, жанубий қияликларга қурғоқчиликка чидамли иссиқсевар ўрик, бодом, писта, дўлана ва бошқа мева турларини экиш керак.

### ***Экишдан олдин тупроққа ишлов бериш***

Тоғ боғдорчилиги ва тоқчилигининг парвариш технологияси биринчи навбатда тупроқдаги намни сақлаб қолишга, экишдан олдин тупроққа ишлов беришни ўта қулай усулларига, эриган қор ва ёмғир сувларини ушлаб қолишга ҳамда тоғ ёнбағирларида эрозия жараёнларини олдини олишга қаратилиши керак.

Тупроққа ишлов беришнинг яхши муддати куз ва баҳордир. Нишабли майдонларда боғ ва тоқзорларда ишлов беришда текис ерларда қўлланиладиган оддий трактор ва механизмлардан фойдаланиш мумкин. Жойларнинг қиялик даражаси 7-8 градус бўлганда ерларни плантаж плуги билан (ПП-60) кенглиги 2 м., нишаби қўндалангига 40-60 см. чуқурликда хайдалади. Бу эса тупроқни эрозиядан сақлайди ва нам йиғилишини яхшилайдди.

Суғориладиган майдонларда асосий хайдашдан олдин экиладиган боғларни белгиланган қаторлари бўйлаб ерни текислаш ишлари олиб борилади.

### ***Мев-узум тури ва навларини танлаш***

Тоғ ва тоғолди худудларида экиладиган мева ўсимликлари ва узумнинг тури ва навлар таркиби нишаб жойларнинг йўналишига, тупроқ шароитини денгиз сатхидан баландлигига қараб, тур ва навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади.

Сувга талабчан мева турлари – ёнғоқ, олма, нок, олхўри олча, йирик мевали олча лалмикор ерларнинг шимолий намлик ен бағирларида ўсади, қурғоқчиликка чидамли турлардан: бодом, писта, чилон жийда, дўлана, ўрик ва бошқалар жанубий ён бағирларида яхши ривожланади.

Қоя ёнбағирларининг қуйи қисмига иссиқсевар турлардан ёнғоқ, бодом, писта, чилонжийда юқори қисмига эса иссиқни камроқ талаб қилувчи нок, олхўри, яна юқори қисмида мўтадил иқлимга мослашган – олма, олча ва дўлана турларини жойлаштирилиши керак.

Лалми экинзорларнинг катта салмоғини ёнғоқсимонлилар – ёнғоқ, бодом, хандон писта, баъзи бир намлик туманларда, шартли суғорилишини ҳисобга олиб, фундук экилиши мумкин. Бу мева турлари тоғли жойларда кўпроқ ўсганлиги боис улар тоғ шароитида яхши ўсиб, юқори ҳосил беради.

Чилонжийда дарахтига алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу жуда қурғоқчиликка чидамли ўсимлик бўлиб, тез (2-3 йилда) ҳосилга киради. Ўзининг кеч гуллаши натижасида ҳар йили ҳосил беради. Меваси қиммати, пархезбоп бўлиб, узоқ масофаларга юбориш ва узоқ сақлаш хусусиятларига эга.

### ***Мева кўчатларини жойлаштириш***

Тоғ қияликларида, дарахт қатор ораликларидаги тупроғини механизация ёрдамида имконияти бўлса, дарахтлар қуйидаги схемада жойлаштирилади: олма, нок, ўрик 8х6, 8х 5м., олхўри, олча, бодом 5х5 м., ёнғоқ 10х10 м., шартли суғориладиган майдонларда узум 3х2,5 м. ва лалмида 3х3 м. масофада экилади.

Ёш боғнинг шох-шаббалари бир-бирига теккунча қатор ораларига ҳар хил қишлоқ хўжалик экинларини экиб фойдаланиш мумкин, кучли ўсувчи дарахтларнинг орасида (олма, нок, ўрик, гилос, ёнғоқ) паст ўсувчи ва тез ҳосил берувчи (шафтоли, олхўри) мева турларини экиш мумкин.

### ***Кўчатларни экиш ва тупроққа ишлов бериш***

Кўчат экишдан олдин тупроқ 15-18 см. чуқурликда юмшатилади. Лалми ерларда кўчат экишнинг энг яхши муддати – куздир. Баҳорги экинларни иложи борида қорлар эриб, апрель ойининг ўрталаридан кечикмасдан, эртароқ эккан маъқул.

Тупроқни пиллапоя усулида тайёрлаб, кўчатни пиллапоянинг ўртасига экилади. Лалми шароитда тупроққа сув яхши сингиб бориши учун уни юмшатиладиган ҳолатда сақлаш керак. Бунда 35-40 см. чуқурликда хайдаш билан эришилади. Биринчи тўрт йилликда тупроқни 40-50 см. чуқурликда юмшатилади, кейинги йилларда эса 25 см. гача камайтиради. Бу тадбир тупроқда микроорганизмлар фаолиятини ошириб, тезлаштириб, унумдорлигини кўтаради, тупроқнинг ҳаво алмашиши яхшиланишига, намликни максимал йиғилишига ва ниҳоят қияликлардан сувни оқиб кетишига йўл қўймайди.

Мевали дарахтлар кўчатлари кузда ёки эрта баҳорда экилади. Кўчат экиш учун чуқурлар (60х60 см.) ковланиб, ушбу чуқурларга кўчат экилади.

Экилган кўчатларнинг ортиқча новдалари кесилади. Бунда ҳар бир новданинг тўртдан бир қисми кесиб ташланади. Суғориш имкони бор майдонларда кўчат экиб бўлингач, кўчатнинг икки томонидан ариқлар олиниб сув берилади. Суғориш имкони бўлмаган майдонларда кўчат экиб бўлингач ҳар бир туп атрофига қўлда 6-8 л. миқдорида сув қўйилади.

Вегетация даврида тупроқда намликни сақлаш мақсадида туп атрофлари культивация қилиниб турилади.

### ***Ўғитлаш***

Ёш боғларга азотли ўғитлар баҳор пайтида бир маротаба куртак ёзгунча солинади.

Биринчи-иккинчи йили гектарига 20-25 кг. азот, кузда эса 20 кг. фосфор солинади. Дарахтлар ўсиши ва ривожланиши билан ўғитлар миқдори оширилиб борилади. Ўғитларни дарахтнинг икки томонидан 18-20 см. чуқурликда олинган суғориш ариқларининг тагига суғоришдан олдин солинади.

Олиб борилган текширишлар ва хўжаликларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳосилли боғ ва токзорларнинг ҳар гектарига солинадиган ўғит

ҳосил миқдорига қараб, йилига азот 120 кг., фосфор 60-90 кг. ва калий 30-50 кг. (соф ҳолда) ташкил қилади. Ҳар гектар ҳосилли боғ ва токзорларга 2-3 йилда бир марта органик ўғитлар солиш тавсия этилади. Азотли ўғитлар фақат баҳорда, органик ва фосфорли-калийли ўғитлар кузда ҳосилли боғларнинг қатор оралиқларига шудгор қилишдан олдин солинади.

Тоғли худудларда 800-900 мм. ёмғир ёғадиган жойларда кузда умумий миқдордан азотнинг 30-40%, калий 30-40 кг. ва фосфор 60-70 кг. солинади. Азотнинг қолган 60-70% баҳорда солинади.

Ҳосилга кирган боғ ва токзорларнинг ҳосилини ошириш учун вақти-вақти билан ўғитларни ерга чуқур солиш зарур.

### ***Суғориш***

Тоғли шароитда ўсимликни яхши тутиб қолиши ва тез ўсиши учун куз-қиш даврида тушадиган ёгин-сочин миқдоридан фойдаланиш зарур. Қияликлари 10 градус бўлган контурли экилган жойда суғориш сувлари бўлса, вегетация даврида 3-4 мартаба ва 1-2 мартаба қишки суғориш ўтказилади. Сув билан яхши таъминланган фермер хўжалиқларида ёки майдонларда тоғ ва тоғолди шароитида боғлар ва токзорлар 350-500 м<sup>3</sup> миқдорида 6-8 мартаба суғорилади, ҳосиллилари эса 5-6 мартаба ва 1-2 мартаба қишда суғорилади.

Вегетация даврида гектарига сарфланадиган сув миқдори 600-800 м<sup>3</sup>, қишки суғоришда 1500 м<sup>3</sup> гача бўлади.

Тоғ ва тоғолди худудларда кенг тарқалган суғориш, бу чуқур ариқлар олиб суғоришдир.

### ***Боғ ва токзорларда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш***

Ҳосилли боғларда қуйидаги зараркунандалар катта зиён еткази: олма курти, бинафшаранг қалқондор, қон бити, каналар, куялар, касалликлардан – калмараз, ун шудринг. Токзорларда зиён келтирадиган зараркунандалар: ток мевахўри, касалликлардан ун шудринг, доғли антракноз.

Уруғли ва данакли боғларда калмараз, ун шудринг, клястероспориоз касаллигига қарши – дарахт куртаклари бўртгандан то гули очилмагунга қадар (апрелда) «яшил конус» шаклида 3 фоизли бордо суюқлиги билан сепиш (100 литр сувга 3 кг. сўндирилмаган оҳак + 3 кг. мис купороси) ёки Топаз препарати гектарига 300 г. ёки Вектра 300 г. сувда эритилиб сепилади.

Иш даврида боғлар қалқондорларга қарши препарат № 30, Топсон-М 0,1 фоизли ёки Вектра 0,03 фоиз ёки Байлетон + БИ-58 билан ишланганда яхши натижа беради.

Қишловчи зараркунандаларга қарши 1чи комплекс ишловни апрелнинг биринчи декадасида қуйидаги препаратлар билан ўтказилади – Золон гектарига 2,5-3 кг. ёки Суми-альфа 800 г. ёки Нурелл Д-1,5 кг. ёки Донитол 2 кг. Гуллаш охирида (олма қуртининг биринчи авлодига қарши) 2чи ишлов қуйидаги препаратлар билан ўтказилади. Каратэ 0,04% ёки Циперфом 0,1%

ёки Фуранон 0,15% ёки Карбофос 0,2% + Топсон 0,1% билан ишлов берилади.

Олма қурти, нок шираси, каналарга қарши гулдан чиққач 45-47 кун ўтгач учинчи препарат Данадим 0,2% ёки Нурелл Д-0,1% билан ишланади.

Токзорларда эрта баҳорда куртаклар ёзилишидан олдин юкумли касалликлар оидиум, антракноз, бактериал ракнинг захираларига қарши 3 фоизли Бордо суюқлиги ёки 5 фоизли охак, олтингугурт қайнатмаси (ООҚ) ёки 1 фоизли мисс купороси билан ишланади.

Токда 5-6 чинбарг чиқарган вақтда оидиум (кул) касаллигига қарши гектарига 25кг тўйилган олтингугурт + 15 кг. охак кукуни ёки Фоликур 0,02 фоиз ёки Вектра 0,02 фоизли қилиб сепилади. Гулдан чиққандан сўнг 15 кун ўтгач гектарига тўйилган олтингугурт 30 кг. + 15 кг. охак кукуни қўйиб чангланади. Узум мевахўри (шингил қурти) ва бир йўла оидиумга қарши гул туплари тўлиқ шаклланганда Карбофос 0,2% ёки Залон 0,2% ёки Каратэ 0,04% билан ишлов берилади.

Ишлаб чиқилган илмий тавсияларни жорий қилиш боғдорчилик ва токчиликда ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишда асосий омил бўлади.

### *Адабиётлар*

1. М.М.Мирзаев – Некоторые итоги работы по выявлению земельных ресурсов для горного садоводства и виноградарства. Из-во «Фан» Ташкент 1971 г.
2. А.Мирзаев – О сроках внесения минеральных удобрений под виноградники на богарных и условно – поливных землях. Из-во «Фан» Ташкент 1971г.
3. М.М.Мирзаев., – Тошкент вилояти тоғ ва тоғ олди районларида Р.М.Абдуллаев боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш. Тошкент вилоятида деҳқончиликни илмий асосланган тизими – Тошкент – 2000 й.
4. А.Н. насимов – Технология возделывания виноградников на склоновых землях юго-западного региона Узбекистана при капельном орошении. садоводства, виноградарства и виноделия (труды том 50) Ташкент – 2001 г.
5. М.М.Мирзаев., – Мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириш Ю.М.Джавакянц, бўйича тавсиянома М.Д.Раззаков Ташкент – 2006 йил